

---

## Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров илғор теримчиларга совғалар топширди

Кеча 13 сентябрда пахта тайёрлаш пунктларига бир кунда 977 тонна, мавсум бошидан 3925 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди. Пахта йиғим-теримида 7800 нафар теримчилар қатнашяпти. Туманда терим суратини кўтариш имкониятлар катта.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят сектор раҳбарлари туманимизда бўлиб, даладаги ҳосилни тезроқ териб топшириш, терим суратини ошириш бўйича топшириқлар берди. Вилоят ҳокими сектор раҳбарлари билан бирга „Голд еар“ фермер хўжалигидаги 8-терим отряди илғор теримчиларига совғалар топширдилар. Ўтган куни ёққан ёмғир барчани сергак торттирди. Қуёшли кунлар қадрига етиб, етиштирилган пахтани тезроқ йиғиб топшириб, режаларни бажарайлик. Терим пуллари учун салкам 40 миллиард сўм тўланади. Бу жуда катта имконият. Бундай қулай имкониятдан фойдаланиб қолайлик! Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2022-09-14 21:07:54